



TOShKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЎРТТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти ва йирик sanoat лойиҳалари билан танишиш мақсадида 12 август куни Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига ташриф бурди.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бирор-бир йўналиш ёки тармоқ йўқки, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар кириб бормаган, унинг мазмунини ўзгартирмаган бўлса.

Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замонавий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Натижада инновацион иқтисодий ривожлантириш, sanoatга юқори технологияларни жорий этиш, қулай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Бекобод шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ривожига Ўзбекистон металлургия комбинатининг ўрни катта. Унинг таркибида ўнлаб корхоналар, ижтимоий муассасалар бор. Комбинатда 11 минг киши ишлайди.

Шу боис унинг фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, янги цехлар ишга туширилди, борлари модернизация қилинди.

Улардан бири – навли прокат мажмуаси. Қарийб 5 миллион долларлик лойиҳа эвазига бу ерга хориждан термо-мустақамлаш линияси келтирилиб, жорий

йил февралда ишга туширилди. Бу орқали йилига 500 минг тонна А500-А800 маркали арматура ишлаб чиқариш қуввати яратилди.

Давлатимиз раҳбари комбинатга ташрифи чоғида ушбу мажмуани кириб кўрди, лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди.

Аввало, термо-мустақамлаш жараёнида кимёвий моддалар тежалгани ҳисобига арматура таннархи камайган. Йилига 300 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш ҳисоб-китоб қилинган.

Яна бир муҳим жиҳати, бу арматура халқаро DIN стандарти сертификатини қўлга киритган. Энди ушбу маҳсулотни Европага экспорт қилиш режалаштирилган.

Президент комбинатдаги яна бир муҳим лойиҳа – Қуюв прокат мажмуасининг қурилиш майдонида бўлди.

672 миллион евролик ушбу лойиҳа натижасида йилига 1 миллион тонна пўлат листлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Мазкур лойиҳа ишга тушгач, комбинат қувватлари 2 бараварга ошади.

Бугунги кунда мажмуа учун темир йўл ва автомобиль йўли қурилиши якунланиб, темир-бетон конструкциялари ўрнатилмоқда. Италиянинг «Danieli» компанияси томонидан зарур ускуналар келтирилмоқда. Уни 2024 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари буни жадаллаштириш ва корхонани кафолатланган хом ашё билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

– Ўз вақтида бу комбинат учун 800-900 минг тонна иккитамчи қора металл қайта ишлаш етарли эди. Лекин бугунги кунда иқтисодий ривожлантириш билан металл бўлган талаб 4 миллион тонна. Унинг ҳам 50 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Шунинг учун бу корхонани тезроқ ишга туширсак, иқтисодийтимизга катта манфаат беради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳада иштирок этаётган Туркиянинг «Renaissance Heavy Industries» ва Италиянинг «Danieli» компаниялари раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашди.

Шундан сўнг Ўзбекистон металлургия комбинатида ушбу соҳани ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу комбинат илгари мамлакатимизда қора металлургия соҳасидаги ягона корхона эди. Сўнгги беш йилдаги ислохотлар натижасида 200 та янги корхона ташкил этилди. Уларда 25 мингдан зиёд аҳоли меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзига соҳада 16 триллион сўмлик товарлар тайёрланган. Темир ва темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8 баробар ўсиб, 2 миллион тоннадан кўпайган.

Шу билан бирга, юртимизда бунёдкорлик ишлари, sanoat лойиҳалари ҳали кўп. Бугунги кунда барча соҳаларда йилига 4 миллион тонна қора металл ишлаб чиқарилади. Хусусан, металл кетидиган

харажатлар улуши уй-жой қурилиши таннархида 15 фоизни, машинасозликда 40 фоизни ташкил қилмоқда.

2026 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодий эҳтиёжлари учун 6 миллион тоннага яқин металл керак бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Қолаверса, жаҳон иқтисодийотидаги мураккаб вазият, логистика занжирларидаги узлишлар йирик металлургия корхоналари фаолиятига ҳам кийинчилик туғдиримоқда.

Давлатимиз раҳбари бу шароитда фақат ўз металлургия sanoatимизни жадал ривожлантириш орқали мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлади. Бу борадаги тўртта асосий вазифа кўрсатиб ўтилди.

Биринчиси – металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни хом ашё билан кафолатли таъминлаш. Иккинчиси – барча ҳудудларда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил бўлишини қўллаб-қувватлаш. Учунчиси – юқори қўшилган қиймат яратадиган sanoat тармоқлари учун замонавий металл конструкциялар ишлаб чиқариш. Тўртинчиси – малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

Бош вазир маслаҳатчиси Б.Исломов мамлакатимизда 1 миллиард 200 миллион тонна темир рудаси захиралари борлигини қайд этди.

Янги конларда, шу жумладан, Қораўзакдаги «Тебинбулоқ» конида олиб борилётган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Ҳамкорлик

Юртимизда Корея Республикасининг Кёнсан-Пукто провинцияси губернатори Чоль У Ли бошчилигидаги тўқимачилик sanoati вакиллари билан иборат делегация меҳмон бўлди.

ИСТИҚБОЛГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЛОЙИҲАЛАР



Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев Чоль У Ли бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашди.

Музокаралар чоғида Тошкент вилоятида амалга оширилиши кўзда тутилган инвестициявий режалар билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилиниб, «Нурафшон бизнес сити»да олиб борилётган бунёдкорлик ишлари юзасидан маълумотлар берилди. Корея Республикаси билан ўзаро алоқалар, халқаро миқёсдаги илғор тажрибалар, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда яқин ҳамкорлик қилиш борасида фикр алмашилди.

Учрашувда таъкидланганидек, Корея Республикаси тўқимачилик соҳаси ютуқлари бўйича дунёда етакчилик қилади. Айниқса, соҳага рақамли ва «яшил» технологияларни татбиқ этишда катта имкониятга эга экани эътиборга лойиқ.

Музокаралар якунида вилоят ҳокими истиқболли ташаббус ва лойиҳаларни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлади. Яқин истиқболга хизмат қилувчи ҳамкорликка доир ҳужжатлар имзоланди.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!



Юқори Чирчиқ туманидаги Бандликка кўмаклашиш марказида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик

кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги Қароридан руҳланиб, «Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!» мавзусида тарғибот тадбири ташкил этилди.

ҒУРУРЛАНИБ ЯШАШ – БАХТ

Республика Маънавият ва маърифат маркази туман кенгаши депутати Гулистон Айтиева. – Утган давр ичида юртимизда мисли кўрилмаган ислохотлар, ўзгариш ва бунёдкорликлар ҳамда ютуқларга эришилди. Биргина туманимиз мисолида айтсак, сўнгги беш йил ичида бунёд бўлган Мустақиллик майдони, Алишер Навоий хибони, Ёшлар маркази мажмуаси, Хотира майдони, Гулистондаги «Миллатлар дўстлиги»

маданият саройи, шунингдек, «Аструм» академияси ва яна кўплаб бошқа иншоотлар билан фархланимиз. Айниқса, Президентимизнинг «Аструм» академиясига икки бор ташрифи барчамақсадга гуруҳ ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Тадбирда сўз олганлар, бу йилги байрамни кўтаринки руҳда, юқори савияда ўтказиш бўйича жойларда тайёргарликлар бошлаб юборилганини таъкидлаш-

ди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар, кекса авлод вакиллари қўллаб-қувватлаш, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ вазифалар кўламини кенгайтиб бораётганини қайд этилди.

Латифжон МАНСУРОВ
Юқори Чирчиқ тумани


ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманининг «Дўстлик-1» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 140 нафар эҳтиёжманд оилаларга ТСТ кластер томонидан 25 килограмдан жами 3 минг 500 тонна картошка тарқатилди.



ЗАНГИОТА туманида ўтказилаётган «Маданият кунлари» доирасида Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилояти бўлинимасининг концерт дастури намойиш этилди. Концертда она Ватанимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради, жозибали рақслар ижро этилди.



ЧИРЧИҚ шаҳар ҳокими Д. Ҳидоятлов бошчилигида «Иқбол» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаролар билан навбатдаги сайёр қабул ўтказилди. Унда аҳоли муурожаатларига қонун доирасида ҳуқуқий тушунчалар берилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддиларга вазифалар юклатилди.



БЎСТОНЛИҚ тумани ҳокими Ж. Аҳмедов ташаббуси билан 38 нафар маҳалла фаоллари учун Хоразм вилоятига 2 кунлик саёҳат уюштирилди. Саёҳатчилар Хива ва Урганч шаҳарларининг қадимий обидаларини томоша қилиб, унутилмас таассуротлар оlishди.



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманининг «Жалолтепа» маҳалла фуқаролари йиғинида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида замонавий тиббиёт пункти қурилди. Ҳозирда бинода пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Тиббиёт пункти ишга тушгач, аҳоли биринчи ёрдамни шу ерда олади.



ОҚҚЎРҒОН туманининг «Қуштамғали» маҳалласи аёллари туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича беморларга тиббий ёрдам ва маслаҳатлар берилди.

Халқаро фестивалъ



«Бўстонликка хуш келибсиз!»

Бўстонлик туманидаги «Амирсой» тоғ-чанғи курортида «Welcome to Bustanlik» халқаро миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Бу нуфузли фестивалъ Ўзбекистон Туризм ва маданият мерос вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги, шунингдек, «Миллий PR-маркази» ДУК, вилоят Туризм ва маданият мерос бошқармаси, Мудофаа, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Оҳангарон тумани ҳоқимлиги эътиборига!

ТАҲРИРИЯТДАН: Яқинда таниқли шоир, устоз ижодкор Барот Исроил бизга мактуб-мақола йўллади. Мамлакатимизда одамларни ҳаётдан рози қилиш, турмуш шароитларини яхшилаш, инсон қадрини улуғлаш деган гаплар кун тартибидан тушмаётган, бу масала каттаю кичик раҳбарлар фаолиятига баҳо берадиган бош мезонга айланган бир пайтда кекса ижодкор кўтарган мавзу ниҳоятда долзарбдир.

Шу боис уни борича, жузъий таҳрир ҳамда мазкур сарлавҳа билан эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

Гўзаллик дунёни кутқаради, дейдилар. Ҳаёт ўз-ўзидан гўзал бўлмайди. Уни инсон гўзал қиёфага келтиришини унутмаслигимиз керак. Гўзаллик эса инсон ҳаётини безайди. Аслида, табиатнинг ўзи гўзал, инсон унга сайқал бериб, янада гўзаллаштириб, авайлаб, асраши лозим бўлади. Гўзалликни маданиятли инсонлар яратди десак, айрим кимсаларнинг гашини келтириб қўямасмикан, деб истиҳоло қиламиз. Лекин тўри сўз туққанингга ҳам ёқмаслиги мумкин. Нима бўлганда ҳам ҳақ гапни айтиш жоиз кўринади. Гапнинг ўрни келганда отангни ҳам аяма, деган гаплар бор.

Бугун кўзимни шартта юмиб, дилмадаги зғу орзуларимни, сиздек ҳақиқатпарвар ўқувчилар эътиборига ҳавола этмасам, кўнглим таскин топмайди.

Бир неча аср Тошсой қишлоғи аҳолисини сув билан таъминлаб келган Бошбулоқни, шу кунда кўриб, ушбу хаёллар кўнглимдан ўтди. Энди гапни узорқодан бошлашимга тўғри келадиганга ўхшайди. Гап фақат булоқ ҳақида эмас, булоқ шарофати билан бунёд бўлган боғ-роғларнинг пайхон бўлиб кетганлигини айтмайсизми? Уша тоғларда кўй, эчки ва мол боқиб юрганларга, "Ҳой ошна, бу боғларни боболаримиз яратган, уни қирқиб тўсин ёки ўтин қилишга уялмайсанми?" десанг, "Сенинг ишинг бўлмасин!" деб ўшқиради. Хуллас яна ўша "Инсофинг борми?", деган сўз тилиминг учига келади-ю, айтолмайман.

Мен илгари бир мақоламда Бошбулоқ суви келадиган Кичиксой ва Каттасойнинг бир-бирига қўшилган жойида Тошсой қишлоғи бунёд этилганини ёзган эдим. Ўтмишимизга назар ташласак, яъни қадимда бир неча ўн хонадондан иборат қишлоқ аҳолиси бугунги кунда юз хонадонга яқинлашиб қол-

ди. Бугунги шароитда Кичиксойдан келадиган Бошбулоқ суви ўн беш хонадонгача етиб келади, холос. Қолган асосий сув тошлоққа сингиб кетмоқда.

налари икки қулоч келадиган баҳайбат тутлар, ёнғоқ ва толлар кўзимга ғарибона бўлиб кўринди. Назаримда, дарахтлар ҳам булоқнинг шу аҳволга тушишида, ўз отарлари билан бутун баҳор, ёз ва кўзни шу атрофда ўтказадиган чўпонлардан норозилигини ифода қилаётгандек эди. Наҳотки, саратоннинг қайноқ кунларида шу азим дарахтлар соясида жон сақлаган, минглаб кўй, эчки ва молларини сўғориб юрган чўпон-чўлиқларнинг булоқ кўзини ёпиб қолган шағалани очиб, нарироқ суриб қўйишга ақллари етмасми? Бу табиатнинг неъматига бўлган бефарқликми? Ёки тўқликка шўхлик, нонкўрликми? Бу ташбиҳлар ҳам назаримда,

бориб кўрганимиз йўқ. Лекин уларнинг номларини санаб ўтишим мумкин. Боболаримиз биринчи булоқни Бошбулоқ дейишларига сабаб, бошқа булоқларнинг бошлангани назарда тутган бўлишса керак. Жумладан, Бошбулоқнинг сувига бир неча сойдан кейин Шўрбулоқ суви қўйилади, ундан сўнг Кенгкўтан, Ўразбоқ, Катта ва кичик Бўлаксой булоқларининг сувлари қўшилиб, сой тўлиб, Тошсой қишлоғига оқиб келади. Қишлоққа энг яқин Ойша булоқ суви ниҳоятда ширин таъмлидир. Булоқнинг бундай аталишининг сабаби, уни Ойша исмли момомиз топан экан. Ҳозирги кунда Ойша булоқ суви пластмасса қувурлар орқали Тошсой қишлоғидан мактабгача олиб келинган.

бўлишига ким сабабчи? Очиги, Сизу биз сабабчимиз. Ҳеч ким мен қирққанман, молим ўша жойларда ўтлаган, демайди. Ҳамма шундай қиляпти-ку, дейди. Агар у маънавиятли, маданиятли, ориятли инсон бўлса, бунақа номаъқул ишни қилмасди, қилган тақдирда айбини буйнига оларди. Менинг назаримда, замондошларимизнинг аксарияти маънавият, маданият деганда шохона ўй қуриш, уни чиройли мебель ва гилалар билан безаш ҳамда қўша-қўша иномарка машиналар миниш, кумуш идиш-товоқда овқатланишни тушунадилар, чоғи. Маънавиятли ва маданиятли инсонлар одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқолмайди. Бировнинг ҳақини емайди, ғийбат қилмайди,

ган савол туғилади? Бунинг сабаби бизнинг табиат неъматларига бепишанд муносабатда бўлаётганлигимиз, бошқа ҳеч нарса эмас! Президентимиз "Яшил макон" бунёд этиш учун миллионлаб кўчат ўтказиш борасида жон куйдираётган бир вақтда ўзимизга савол беришимизга тўғри келади: "Хўш, мен бу савобли ишга қандай ҳисса қўшдим?" Афсуски, бу саволга кўпчилиكنинг жавоби йўқ! Ҳар битта кўчат сув билан ўсишини ҳисобга оладиган бўлсак, биз юқорида санаб ўтган булоқларнинг аҳамиятини чуқурроқ англаймиз. Мен ёшлик пайтимда ўша булоқлар оққан жилга ва сойларда чопқиллаб юриб, дўлана, жийда, олмурт, ўрик, тоғолча, ёнғоқ, ёввойилашиб тутларга тирмашган

КЕКСА ШОИРНИНГ ТАШВИШИ

Ёхуд Барот Исроил нега безовта?



Бу исроф бўлаётган булоқ суви муаммоси буйича Оҳангарон тумани ҳоқими Абдурасул Абдуллаевга мурожаат қилиб, Бошбулоқнинг суви қувурлар орқали олиб келинса бутун қишлоқни таъминлашни айтгандим. У кишига маъқул тушиб, туман сув таъминот бўлимининг Сардор исмли мансабдорига тайинлади. У ўз навбатида, мазкур ҳудуд билан шуғулланадиган Рустам исмли йигитни Тошсойга юборибди. У Бошбулоққа борадиган сувдан намуна олиб, лабораторияда текшириб кўриши кераклигини айтди.

Мен, Рустам ва ҳамқишлоғим Юнус учаламиз, фермеримиз Абдумуталнинг ўғли Фахриддиннинг "Нива" машинаси билан тоғма-тоғ ошиб, Бошбулоқни топиб бордик ва уповни тоғ тепасида қолдириб, сойликка тикка тоғ бағридан қиялаб юриб, бир амаллаб булоқ ёнига тушдик. Шерикларим атрофга аланглайдди. Мен эса ҳайратдаман.

Кўзимга ишонмайман, бундан ярим асрча илгари тоғ бағридан отилиб чиққан булоқ сувини кўрганим аниқ эсимда. Эндиликда булоқ суви жилдираб чикмоқда. Бир нафас тикилиб туриб, уйга толдим. Мен ёшлигимда кўрган қайнар булоқ қани? Унинг кўзи шагал билан қўмилиб, сув йўлини тўсиб турган кўмолқас сингиб кетмоқда. Сал қуйроқда та-

уларнинг бефарқлигини ифода қилолмайди.

Бундан уч-тўрт аср нарида тошсойликларнинг ота-боболари, момолари, айнан шу булоқ атрофида яшаб, умргазаронлик қилишган, юқорида тилга олган мевали ва манзарали дарахтларни улар экишган. Замонанинг зайли билан ота-боболаримиз, икки сой қўшилган жойга, яъни тоғдан қуйроққа кўчиб тушишган бўлса керак.

Кези келганда шуни айтиш жоиз кўринади. Бошбулоқдан Тошсой қишлоғигача етти километрдан ортиқроқ чиқса керак. Бу оралликдаги тоғларнинг сой-сойида булоқлар мавжуд. Уларнинг қай аҳволдалигини айтолмайман. Чунки уларни

Ойша булоқнинг суви чой ва таом тайёрлаш учун ишлатилади. Экилган ниҳолларни, молларни сўғориш ва қурилиш ишлари учун камлик қилиб, таъминлай олмайдди. Шу сабабли Бошбулоқдан келадиган сув ниҳоятда зарур бўлиб турибди.

Яна шуни қайд этиш керакки, юқорида тилга олган булоқларимизнинг ҳар бири алоҳида сойларда бўлиб, уларнинг оқимида хилма-хил дарахтлар ўсиб, ҳосил бериб, ўтган-кетган йўловчилар ҳамда дарранда, парранда, қурт-қумурсалар ҳам баҳраманд бўлардилар. Ҳозирги кунда дарахтлар сийрақлашиб, айрим булоқлар атрофида дашта айланиб қолибди. Бундай

бировни ноҳақ айбламайди, бировнинг бахтига ҳасад қилмайди, ҳатто, наботот ва ҳайвонот оламига зиён етказишга журъат этолмайди.

Биз киммиз? Биз келажак авлодларга нимани қолдираемиз? Ўша суви қуриган булоқларини? Ёки қуриган дарахтларини? Қараган даладарини? Қаровсиз табиати-мизини? Ҳар ҳолда, буларнинг қадрига етаётганлар йўқ эмас, бироқ эртани ўйламаётганлар ниҳоятда кўп. Бу гаплар ўз эгасини топади, деган умиддаман.

Энди бундоқ ўйлаб қарасам, бу булоқлар неча асрлардан бери мавжудлигини тасаввур қиламан. Бизнинг давримизга келиб, суви камайишининг сабаби нимада, де-

узум меваларини тановул қилиб катта бўлганман. Ҳозирги кунда қадимда боболаримиз эккан ўша боғлар пайхон қилиниб, ҳатто булоқ кўзларигача бекилиб қолишига жимгина гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг ҳаммасига ўзимиз айбдор эканлигимизни тан олгимиз келмайди.

Тобора ободонлашиб бораётган Тошсой қишлоғи кейинги йилларда янада қурқамлашиб, икки қаватли мактаб биноси, ёшлар учун замонавий жиҳозланган спорт зали ва кўркам боғча қурилиб, ишга туширилди. Энди қишлоқ аҳлини сув билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал бўлиши зарур.

Хуллас, Бошбулоқнинг суви Тошсой аҳолисини пластмасса қувурлар орқали келтириш масаласи Оҳангарон тумани ҳоқими ва туман сув таъминоти ходимлари зиммасида турибди. Бу ёғини вақт кўрсатади. Биз айтадиган гапни айтиб бўлганмиз.

Шунга ҳам бир йилча бўлмоқда, лекин ўзгариш йўқ. Туман ҳоқимининг бир неча бор берган буйруғини бажаришни пайсалга солаётган Оҳангарон тумани сув таъминоти бўлими бошлиғи ишни бошлашни ҳаёлига келтирмаётгани таажубланарли...

Барот ИСРОИЛ

Ўзги таътил-2022

САЛОМАТЛИК СПАРТАКИАДАСИ



Хозирда ёзги таътил бўлишига қарамай, мактабларда ўқитувчи ва мураббийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спорт турларига жалб этиш мақсадида турли мусобақалар ўтказилмоқда.

Тошкент туманидаги 13-мактаб мезбонлик қилган "Саломатлик спартакиадаси"да ҳудуддаги тўртта бол ва стол теннис бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизиқарли баҳсларга бой бўлган мусобақалар якунида

мактабнинг эркак ва аёл ўқитувчиларидан ташкил топган 8 та жамоа волейбол, бадминтон, стритбол ва стол теннис бўйича ўзаро куч синашдилар. Қизиқарли баҳсларга бой бўлган мусобақалар якунида

ғолиб жамоа ва совриндорлар Таълим ва фан ходимлари касабга уюшмаси Тошкент тумани бўлини маси томонидан диплом ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Дилфуза СОБИРОВА

Кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳоли тинч ва хотиржам яшаши учун маълум меъёрлар белгиланган.

Чунки кўп қаватли уйларнинг биринчи қавати ёки ертўлаларида турли тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Уйлар ертўласида қайси фаолият тури билан шуғулланиш мумкин эмаслигини кўпчилик билмайди.


Қуйида кўп квартиралар уйнинг ертўласида қайси фаолият турлари билан шуғулланиш мумкин эмаслигини билиб олишнинг мумкин:

Жумладан, уйни қуришда ўтириладиган жойлари сони лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилмаган, шунингдек, соат 23:00дан кейин ҳам ишлайдиган умумий овқатланиш корхоналари, рестороанлар, кафелар, кафетерийлар, барлар;

кимёвий товарлар, сабзавот ва балиқ маҳсулотларини, шунингдек, газ баллон, кимё воси-

Дарвоқе

ТАДБИРКОРЛИККА РУҲСАТ, ТАРАЛЛАБЕДОДЛИККА ЭМАС...



талари, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда портлаб ёниш хавфлилиги бўлган бошқа моддалар ва материаллар бор бўлган маҳсулотларни сотувчи дўконлар;

ўз ишлаб чиқаришида тез ёнувчи моддаларни қўлловчи кимёвий тозалаш хоналари;

10 тадан ортиқ иш ўрнига эга бўлган пойабзал тикиш ва таъмирлаш устаноналари, ҳаммом ва сауналар;

алоҳа тармоқ станциялари, шахарлараро алоқанинг кеча-кундуз фойдаланиладиган сўзлашув пунктлари ва телеграф;

жамоат ҳожатхоналари, маросимлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш муассасалари, саиноат корхоналари



фаолиятининг барча турлари; уй ҳайвонлари ва паррандалар боқишга ёки кўпайтиришга мўлжалланган жойлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг транспорт воситалари

учун гаражлар (маҳсус лойиҳа асосида қурилган гаражлар бундан мустасно); яшаш жойлари, кинотеатр, ётоқхона ва меҳмонхоналар ташкил этиш мумкин эмас.

Хабарингиз борми?

Энг арзон ИНТЕРНЕТ қаерда?

Яқинда таҳлилчилар тадқиқот ўтказиб, дунёнинг қайси мамлакатида интернет арзон ва қайси мамлакатида қиммат, деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилишди.

Орадаги тафовут эса жуда катталиги маълум бўлди. Экспертлар турли мамлакатларда ўлчов бирлиги сифатида 1 ГБ интернетнинг ўртача нархини олишди. Натижада, биринчи ўрин Исроилга берилди. Бу мамлакатда интернет фойдаланувчилари 1 ГБ учун 0,04 доллар тўлар экан. Ундан кейин Италия бормоқда. У ерда интернет нархи 0,12 доллар туради.

Энг қиммат алоқа Авлиё Елена Орولىда эканлиги маълум бўлди. Оролликлар 1 ГБ интернет учун нақ 41,06 доллар тўлаши керак экан. Интернетнинг қимматлиги буйича иккинчи ўринни Фолкленд ороли эгаллаган. Бу ернинг

одамлари 1 ГБ учун 38,45 доллар беришга мажбур.

Умуман, мутахассислар тадқиқот натижасида мамлакатларни интернет билан таъминланганлик даражаси буйича тўрт тоифага бўлишди.

Биринчиси, яхши ривожланган инфратузилмага эга мамлакатлар: ушбу тоифа мамлакатларда аллақачон 4G мавжуд ва 5G ҳам жорий қилинмоқда. Бундай мамлакатларнинг барча ҳудуди тармоқлар билан қоплаб олинган, операторлар ўзаро рақобат қилади ва натижада янада қулай тарифларни тақдир этади.

Иккинчиси кучли қарам мамлакатлар: бундай мамлакатлар белгиланган



кенг полосали алоқага эга эмас. Аҳоли фақат мобил интернетдан фойдаланишга мажбур. Бу мамлакатларда аҳолининг даромади паст ва уяли алоқа ҳам арзон. Учунчиси, кам истеъмол: 4G яхши ривожланган, яъни инфратузилмалари интернетдан тежаб фойдаланиш маданиятини қўллаб-қувватлаш тарафдори

бўлган мамлакатлар. Арзон тарифлар ҳамда маълумотлар кўлами ҳам кичкина.

Тўртинчиси, бой иқтисодиётга эга мамлакатлар: худуди 4G ва 5G тармоқлари билан жуда яхши қопланган. Кўп харажатили трафик. Аҳолининг тўлов қобилияти юқори бўлгани учун интернет ҳам қиммат.

101 огоҳлантиради

ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифалари, ёнгинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини кучайтириш, шу орқали ёнгинлар сонини камайтиришдан иборат.

Ушбу талаблардан келиб чиқиб, ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида доимий равишда хонадонларда, кўп қаватли уйларда бўлиб, ёнгинга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, аҳоли билан ҳамкорликда бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, бундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

«Ёнгинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсада мувофиқ» шioriга амал қилиб назоратни кучайтирсак, «типсиз ёв»ни жиловлаган, ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг ҳаёти, соғлигини ҳамда мол-мулкни асрашга ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Азизбек АҲМЕДОВ, Мирзо Улуғбек тумани ФВБ инспектори, катта лейтенант

“Бўстонликка хуш келибсиз!”



Фестивалда олти мингдан ортиқ меҳмонлар, жумладан, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Беларусь ва МДҲнинг бошқа давлатларидан мингдан ортиқ вакиллар қатнашди. Дастур доирасида етакчи ошпазлар, рестораторлар, умумий овқатланиш корхоналарининг бошқарув ходимлари таом тайёрлаш борасида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

– Бундай кенг кўламда ўтказилган фестивал юртимизда гастронимик сайёҳлик ва туризмнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади, – дейди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Фестиваль дастури жуда ранг-баранг тадбирларга бой бўлди. Айниқса, хунармандчилик буюмлари кўргазмаси, чавандозлар ва фольклор жамоаларининг чиқишлари, халқ уйинлари, ва албатта, маромига етказиб тайёрланган миллий таомлар иштирокчиларга байрамона завқ, унутилмас таассуротлар бахш этди.

Шунингдек, турли танловлар, миллий ва хорижий таомларни тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўз мухбиримиз
Р. ГАЛИЕВ олган суратлар

БИР КУНДА 32 ТА МЕҲМОН УЙИ ИШ БОШЛАДИ



Шу кунларда Оҳангарондаги дам олиш масканларида, нафақат юртимизнинг турли ҳудудларидан, балки қўшни давлатлардан келган сайёҳларни ҳам учратиш мумкин. Бунга сабаб, ҳудудда кўплаб оилавий меҳмон уйлари фаолият юритмоқда.

Кунни кеча туманнинг Эртошсой қишлоғида 32 та оилавий меҳмон уйини ташкил этган тадбиркорларга сертификатлар топширилди.

Яхши хабар

Вилоят Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси ходимлари томонидан олиб борилган тарғибот ва тушунтириш ишлари мана шундай натижаларга эришишга замин яратяпти.

– Оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш орқали

туристларга доимий хизмат кўрсатиш қамрови осяпти, – дейди вилоят Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бўлим бошлиғи Шерзод Қобулов. – Ушбу ҳудудда тадбиркорлик қилиш учун барча имкониятлар мавжуд, гўша-

нинг сўлим табиати, мўътадил ҳавоси одамларни йил бўйи ўзига қорлайди. Энг муҳими, мазкур ишлар орқали аҳоли бандлиги таъминланмоқда.



АҚЛЛИ МЕЪМОР

Ибрат

Меъмор Синон машҳур Салимия минораларини қураган, бир тўда болалар чуғурлашиб, ниманидир кўрсатаётганларини кўриб қолибди. Уларга яқинлашиб:


– Нима гап, – деб сўрабди.

– Амаки, – дейишибди улар, – шу минорангиз бир оз қийшайибди.

– Ҳа, ундай бўлса, ҳозир минорани арқон билан тортириб тўғрилаймиз. Сизлар, қараб туринглар, – деб арқон келтиришни буюрибди. Меъмор Синон, то болалар тўғри бўлди дейишмагунча, минорани бир арқон билан тортириверибди. Болалар, тўғри бўлди, дейишган тўхтатибди. Шу орада бир киши келиб:

– Уста, бу арқон шундай катта минорага ҳеч бир тасвир қилмаслигини яхши биласиз. Нега энди болаларнинг гапига кириб бундай қилдингиз, – деганида, меъмор жавоб берибди:

– Шундай қилмасам, бу чурвақалар шаҳар бўйлаб минора қийшиқ, деган гап тарқатишади. Миноранинг эгри эмаслигига ҳеч кимни ишонтиролмаيمиз. Энди эса, минора эгри эди, арқон билан тортириб тўғрилатдик, деган гап тарқатишади. Бу гапга эса ақли бор одам ишонмайди!



Мана гап

“Мен шахматни фақатгина спорт ёки илм, ё санъат деб эмас, балки жуда катта тарбиячи деб ҳисоблайман. Шахмат, биринчи навбатда, инсондаги қурашчанлик ва галабага ишонч руҳини тарбиялайди.”

Эркин ВОҲИДОВ

ЭНГ АДОЛАТЛИ ҲАҚИҚАТ ҲАҚИҚАТИ

Шахмат

Бу йилги ёзнинг сўнгги ойи юртимиз шахмат ишқибозлари Учун кетма-кет ҳаяжонли ва унутилмас онларни ҳаёда этди. Аввал хабар берганимиздек, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида ўзбек йигитлари – Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Жаҳоҳир Синдоров, Жаҳоҳир Воҳидов ва Шамсиддин Воҳидовдан иборат миллий терма жамоамиз 188 мамлакат шахматчилари орасида мутлақ ғолибликни кўлга киритишди.

Халқимиз ҳаяжон билан кутган воқеа содир бўлди: Ўзбекистон ёшлари – шахмат бўйича Олимпиада чемпиони бўлишди. Бу турнирни бутун халқимиз телевидение ва интернет орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб туришди. Бу галаба Янги Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилиб, мамлакатимиз Мустақиллигининг 31 йиллигига азиз Ватанимиз, халқимиз учун унутилмас соғва бўлди. Тарихга қирган чемпионларимизни давлатимиз раҳбари мукофотлади.

Ҳар бир эзгу ишда ҳикмат бор, дейишади. Ҳиндистонда шахмат бўйича Бутунжаҳон олимпиадаси бўлиб ўтаётган кунларда Президентимиз “Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорни имзолади. Мазкур қарорда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш, уларни профессионал шахматга жалб қилиш, нуфузли халқаро шахмат мусобақаларида совринли уринларни эгаллаш, жаҳон стандартларига мос келадиган шахмат инфратузилмасини кенгайтириш, Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш Давлат дастурини изчил амалга ошириш мақсадлари кўзда тутилган.

Албатта, бундай катта галабаларнинг дебчаси кичик мусобақалардан бошланади. Шу маънода, юқоридаги қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Қўрай туманидаги 2-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида Ўзбекистон шахмат Федерацияси Ташкент вилояти бўлими ва вилоят спортни ривожлантириш бош бошқармаси ҳамкорлигида ёшлар, аёллар ва эркеклар ўртасида шахмат бўйича вилоят чемпионати ўтказилди. Унда вилоятнинг туман-шаҳарларидан 40 дан зиёд турли ёшдаги иштирокчилар қатнашди.

– Юртимизда шахматни ривожлантиришга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик ўз медаларини беряпти, – дейди Ўзбе-

кстон шахмат Федерацияси вилоят бўлими раиси Рискиддин Эсанбоев. – Буни шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг мисли кўрилмаган галабаси исботлади. Буни бутун дунё кўрди ва тан олди. Бундай галабага эса фақат тинимсиз машқ, ўқиб-ўрганиш ва албатта, малакали мураббийларнинг ўғитларига оғишмай амал қилиш орқали эришилади. Шу ўринда вилоят турнирларининг ҳам аҳамияти катта. Бундай турнирлар олис маҳаллардаги ёш иқтидорларни кашф қилиш, йигит-қизларнинг интеллектини юксалтиришга имкон яратяпти. Таъкидланганидек, шахмат адолатли ўйин. У хатони кечирмайди. Шахмат



ақлни чархлаб, хотира ва иродани мустаҳкамлайди, мантиқий фикрлашга ўргатади.

Қизиқarli кечган турнирда ёшлар анча фаол бўлишди.

– Шахмат билан беш йилдан бери шуғулланаман, – дейди Бекобод шаҳридаги 17-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Ленур Усеинов. – Финалгача мағлубиятсиз етиб келдим. Шахмат ўйнашни жуда яхши кўраман. Айниқса, терма жамоамизнинг Олимпиада ўйинларида чемпион бўлишгани менга катта мотивация берди. Чемпион акаларимга роса ҳавасим келди. Албатта, мен ҳам уларга ўхшаш учун тинимсиз машқ қиламан.

Яқини натижаларга кўра, Чиноз туманидаги 24-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Барно Боқиева ҳамда Бекобод шаҳридаги 17-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шерзод Самандаров энг яхши кўрсаткичга эришиб, турнир ғолиби бўлишди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дарвоқе, мусобақа якунида вилоятда шахматни ривожлантиришга, кўплаб мураббий ва ёшларни тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун Рискиддин Эсанбоевга “Халқлар дўстлиги” кўрка нишонни тантанали равишда топширилди.

К. САЛОМОВА
Ташкент ҳақиқати/
Р. ГАЛИЕВ олган сурат



Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

- Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G’afurjon MUHAMEDOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Salom SAMADOV
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Ra’no TURDIBOYEVA
- Sergey MUTIN
- Zarifa ERALIYEVA
- Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:
G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxonasi:
(71) 233-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(71) 233-70-10

Mas’ul kotib:
(71) 233-90-82

Bo’lim muharrirlari:
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:
Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 22.30
Nashr ko’rsatkichi – 205.
Buyurtma G-835.

3 725 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 ta boq. Ofset usulida bosildi.
Qog’oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro’yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko’chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonasi manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.
123456

НОН УСТИДАГИ... ТАРВУЗ



Чойхоначининг кўлидаги лаганди узумнинг устига каттакан қовун, ноннинг устига тарвуз қўйилган. Биргина шу деталнинг ўзи асарнинг тўқималигини исботлаб турибди.

Бундай сохтакорликни бошқа бир “асар”да ҳам кўрганман. Узум, анор ва қовун расмидан натюрморт ишлаган бир расмон қовунни уч томонидан бемашраб тарзи, қадимий урф-одатлари, миллий-маънавий қадриятларини акс эттирувчи юксак дид ва маҳорат билан ёзилган санъат асарлари оз

лигача сўйилган ҳолда тасвирлабди.
Дунё дунё бўлганидан бери бирорта ўзбек бундай қилмаган ва қилмайди ҳам.
Халқимизнинг янгича тур-

Аҳмаджон МЕЛИБОВ
“Ризқ дарахти”
китобидан